

ИНСОННИНГ МАЪНАВИЙ ЮКСАЛИШИДА МИЛЛИЙ ТАРБИЯНИНГ РОЛИ

Шахизада Джадигерова.

Қорақалпоқ давлат университети Юридика факультети 4 курс талабаси

Алмагул Байрыева

Миллий зоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ таълими кафедраси мудири

Аннотация. Мақолада инсоннинг маънавий шаклланишига таъсир қилувчи омиллар, маънавий-ғоявий тарбия, ёшлар тарбиясида оила ва маҳалланинг ўрни ва роли, шунингдек, таълим-тарбия жараёнида маънавият масалалари борасида сўз юритилади.

Калит сўзлари: маънавият, миллий тарбия, ғоя, мафкура, маданият, оила, маҳалла, урф-одат, анъана, мулоқат.

Аннотация. В статье рассматриваются факторы, влияющие на духовное становление человека, духовно-мировоззренческое воспитание, место и роль семьи и соседства в воспитании молодежи, а также вопросы духовности в воспитательном процессе.

Ключевые слова: духовность, национальное воспитание, идея, идеология, культура, семья, соседство, обычай, традиция, общение.

Abstract. The article discusses the factors affecting the spiritual formation of a person, spiritual and ideological education, the place and role of the family and neighborhood in the education of young people, as well as the issues of spirituality in the educational process.

Key words: spirituality, national education, idea, ideology, culture, family, neighborhood, custom, tradition, communication.

Одам инсон даражасига фақат маънавияти орқали эришиши бизга маълум. Демак маънавият одамлар тўдасини инсонлар жамиятига айлантирган кучдир. Бугунги кун жамияти учун маънавий тарбия ҳар қачонгидан ҳам ката аҳамият касб қилмоқда. Боиси, глобаллашув жараёнларида миллий чегараларнинг ювилиб кетиши, миллий маънавиятимиз ва миллий маданиятимизга салбий таъсирлар кўрсатилиш имкониятлари ортиб бормоқда. Миллий тарбиянинг тамал тоши эса оилада қўйилади.

Миллий оилаларимизда бола онгида соғлом ғоя ва билимлар шаклланиши жараёнида оиланинг катталари - боболар, момолар, яқин қариндош уруғлар ҳам бевосита иштирок этади. Азалий удумга биноан, бола тарбиясида ота-онадан ҳам кўра, бобо ва бувиларнинг таъсири кучлироқ бўлади. Улар оиладаги маънавий муҳитнинг бошқарувчилари ҳисобланади. Бундай тарбия анъанаси буюк аждодларимиз тақдирида муҳим ўрин тутган. Масалан, Амир Темурнинг неваралари тарбияси билан уларнинг оналари эмас, улуғ бибилари-бувилари шуғилланган. Хусусан, Шохрух Мирзо,

Муҳаммад Султон Мирзо, Халил Султон Мирзо, Улуғбек Мирзо сингари темурий шахзодалар Сароймулкхоним қўлида тарбия топган.

Хуллас, ота-она ўз боласини ахлоқи ва ҳуқуқий маданияти учун жамият олдида жавобгардир. Ота-оналик бурчига этиборсиз қараш, фуқаролик маъсулиятини хис этмаслик муҳим ижтимоий бурчни бажармаслик билан тенгдир. Чунки болани дунёга келтиришдан кўра уни жамиятга нафи тегадиган, соғлом эътиқодли, солиҳ фарзанд қилиб тарбиялаш мушкулроқдир.

Миллий тарбияда маҳаллаларимизнинг ўрни алоҳида аҳамият касб этади. Ўзини-ўзи бошқаришнинг миллий модели бўлган маҳалла халқимизнинг азалий удумлари, урф-одатлари ва анъаналарига таянган ҳолда улкан тарбиявий вазифани бажаради. Кексаларнинг панд-насихати, катталарнинг шахсий ибрати, жамоанинг ҳамжиҳатлиги мисолида одамлар онгига эзгулик ғояларини сингдириб борилади.

Маҳалла, аввало, соғлом ижтимоий муҳитдир. Бу ерда кучли таъсирга эга бўлган жамоатчилик фикри маҳалла ахлининг ҳулқ-атвори, ўзаро муносабатларини адолат ва маънавий мезонлар асосида тартибга солиб туради.

Маҳаллада кенг жамоатчилик ўртасида мафкуравий ишларни самарали йўлга қуйиш учун катта имкониятлар мавжуд. Айниқса миллий қадриятлар, меҳр-оқибат, эл-юрт шаъни учун кураш каби фазилатлар камол топишда маҳалланинг ўрни беқиёс. Агар маҳаллада ўсган қиз ҳақида бошқа бир одам ноўринроқ гап айтганини ўша қизнинг маҳалладоши эшитиб қолса, шу қизнинг шаъни учун курашади, уни оқлашга, бегона одамни эса тартибга чақиришга ҳаракат қилади. Маҳалла доирасида амалга ошириладиган мафкуравий таълим ва саводхонлик курсларини ташкил этиш, анъанавий байрам ва тадбирлар пайтида мухтож оилаларга ёрдам кўрсатиш, иқтидорли ёшларни рағбатлантириш, аёллар нуфузини ошириш, турли адолатсизликларнинг олдини олиш, оммавий ахборот воситалари имкониятларидан фойдаланиш, диний муассасалар, мачитлар билан ўзаро алоқани яхшилаш, ҳамкорликда тадбирлар уюштириш, “Оила дорилфунунлари” да ота-оналар саводхонлиги ва турли авлод вакиллари ўртасидаги муносабатларни такомиллаштириш орқали ғоявий тарғибот ўзига хос таризда амалга оширилади. Яъни, бунда ҳам таъсир воситалари сифатида ижтимоий рекалама, турли курслар ташкил этиш, оилаларга психологик хизматни йўлга қуйиш, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, ота-оналар насихатлари асосида ёшларни тарбиялаш ишида кенг фойдаланиш, ОАВ орқали берилаётган маълумотларнинг психолингвистик таҳлилни амалга ошириш, ижтимоий фикрнинг маҳаллалар бўйича мониторингни олиб боришга аҳамият бериш керак. Шунда маҳаллалар фуқароларини, биринчи навбатда, ёшларни миллий ғоя руҳида тарбиялашнинг чинакам таъсирчан учоғига айланади.

Иккинчидан, оилага психологик ёрдам кўрсатиш шохобчаларининг ташкил этилиши ҳам оилаларда руҳ берадиган турли муаммоларнинг ечимини ижтимоий услублар воситасида ҳал қилиш имконини беради. Уларнинг асосий вазифаларидан бири - ота-оналар ва фарзандлар учун миллий ғоя руҳидаги тадбирлар ва маслаҳатлар мажмуини ишлаб чиқишдан иборат бўлади.

Аёл, она - эзгулик тимсоли. Мафкуравий тарбияда онанинг алоҳида ўрни ва нуфузини ҳисобга олиб, хотин-қизларнинг бола тарбияси ва оилавий рўзғор ишларини юритиш борасидаги билимдонлигини такомиллаштириб бориш, “оналар мактаблари” ташкил этиши ҳам катта амалий аҳамиятга эга бўлади. Чунки Президентимиз, ҳукуватимиз томонидан аёлларга билдирилган юксак ишончининг замирида бу мўътабар зотларга хос буюк оналик меҳр-муҳаббати, уларнинг мафкуравий тарбияга кўшажак куч-ғайрати ноёб истеъдодларнинг эътирофи ётади. Жаҳон маданияти ва маънавиятига катта ҳисса қўшган Муса Хоразмий, Беруний, Ибн Сино, Имом Бухорий, Аҳмад Фарғоний, Амир Темур, Улуғбек, Алишер Навоий, Бурҳониддин Марғинонийларни дунёга келтириб, тарбия берган муаммоларимизнинг ворислари бўлган замонавий аёллар ҳам соғлом фикрловчи, Ўзбекистон тараққиёти учун бутун билим ва иқтидорни аямайдиган ёшларни тарбиялаб беришга шубҳа йўқ. Зеро, Юртбошимизнинг “Ҳар қайси жамиятнинг маданий даражаси ва маънавий баркамоллиги аёлларга бўлган муносабат билан белгиланади”, деб уларнинг бугунги ҳаётимиздаги ўрнига катта аҳамият бераётгани бежиз эмас.

Маънавий тарбиянинг энг кучли қуроли аёлларнинг бўлиши миллий урф-одат ва анъаналаримиз – ҳаётимизни тартибга солиб, тўғри йўл-йўриқ кўрсатувчи ҳаёт дарслигидир. Асрлар мобайнида шаклланган, авлоддан-авлодга бебаҳо мерос сифатида ўтиб келаётган урф-одат, маросим ва байрамлар ҳам миллий ғоянинг асосий ғояларини сингдиришда муҳим омил бўлади. Хусусан, мустақиллик, Наврўз, Ўқитувчилар ва мураббийлар, Хотира ва қадрлаш куни каби байрам ва маросимларимиздан жамият ҳаётига замонавий мазмун бахш этиши йўлида оқилона фойдаланиш зарур.

Бугунги кунда миллий анъаналаримизни ўрганиш, тарғиб этиши билан бир қаторда туй-маъракаларни, одат ва удумларни ихчамлаштириш, бу борада исрофгарчилик ва дабдабозликка йўл қўймасликка алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу урф-одат ва анъаналарнинг асосий қисми оилада ва оила аъзоларининг бевосита иштирокида ўтказилади. Шунинг учун ҳам ҳар бир оилавий анъана мафкуравий тарбиянинг муҳим йўналиши ҳисобланади. Масалан, инсонпарвар, юксак эътиқодли, бағрикенг, меҳр-оқибатли одамларни вояга етказишда толерантлик, инсонийлик тамойиллари муҳим ўрин тутаяди. Ҳар бир ўзбек оиласида муқаддас саналадиган меҳмоннавозлик, қиз ва ўғил болалар тарбияси борасида махсус анъаналарнинг мавжудлиги, йил мавсумига кўра оила аъзолари иштирокида ўтказиладиган турли маросим ва тадбирлар соғлом мафкуравий муҳитни шакллантиришга хизмат қилади.

Маънавий тарбия ҳақида сўз борганида мулоқат маданиятини ҳам назардан четде қолдириб бўлмайди. Чунки мулоқат маданияти - инсонга хос маънавий эҳтиёж бўлиб, ундаги умумий маданий савиянинг муҳим кўрсаткичидир. Инсон узининг ҳис-туйғулари, ички кечинмалари, ўй-фикрларини бевосита мулоқат жараёнида намоён қилади. Мафкуравий тарбиянинг энг таъсирчан воситалардан бири ҳам мулоқат ҳисобланади. Чунки инсон қалби ва онгида шаклланадиган дунёқараш, эътиқод, иймон, виждон маъсулият каби фазилатлар тарбиясида радио, телевидение, газета-журналлар, бадиий ҳамда илмий адабиётларнинг ўрнини эътироф этган ҳолда шуни айтиш мумкинки, юзма-юз кечадиган фикр алмошув, инсоннинг юзи ва кўзига қараб туриб айтиладиган бамани сўз ва ҳиссиётларнинг ўрни беқиёс. Шунинг учун ҳам ота-она бир гапни айтиш лозим бўлса, боласининг юзига қараб, юз қиёфаси ва кўзидаги самимият билан фикрини уқтиради. Ва бундай мулоқат самарали бўлади. Шу боис аудиторияларда ўқитувчи билан ўқувчи, талаба ва домла ўртасидаги мулоқатга таълим-тарбия жараёнида катта аҳамият берилади.

Оилада ота-она, қайнона-келин, қариндош уруғлар ўртасидаги муносабатларнинг меъёри, уларнинг мақсадга мувофиқлиги, муносабатлардаги самимият даражаси ҳам ёшларда соғлом фикрнинг шарм-ҳаё, меҳр-оқибат, ифрат, ибодат, назокат, лафз, маъсулият каби ижобий фазилат ва интеллектуал сифатларнинг намоён бўлишига замин ҳозирлайди. Халқимизга хос устивор фазилатлар асосан оилавий муҳитда яқин қариндошларнинг бевосита аралашувида юз беради. Бу ҳол тўғри муносабат, ҳалоллик, катталарни ҳурмат қилиш, кичикларни эъзозлаш, урф-одатларни муқаддас билиш жараёнида амалга ошади. Бундай сифатларни ўзлаштира олган ҳар бир ўғил-қизда оилапарварлик ва юртпарварлик хусусиятлари ривожланиши муқаррар. Лекин оилавий низолар, ажралишларнинг сабалари таҳлил қилинганда шу нарса аён бўлмоқдаки, оила муҳитнинг носоғломлиги, оила аъзолари ўртасидаги келишмовчиликлар, ўзаро тил топа олмаслик каби ҳолатлар нафақат уша оила, балки қариндош-уруғлар ўртасидаги хотиржамликка ҳам раҳна солади. Энг ачинарлиси-бунинг оқибатида эътиқодсиз, диёнатсиз мақсад-маслаксиз болалар, ҳаётда ўз ўрнини топа олмаган инсонларнинг пайдо бўлишидир. Шунинг учун ҳар бир оилада, ҳар қандай жамоада, жамиятда маънавият – энг устувор масала бўлиши ва ҳамма ҳаракатлар айнан ўнга ҳамоҳанг бўлиши лозимдир.